O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING

# QARORI

*O‘zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko‘chasi 2-uy,*
*Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “3” февраль № 179 Yangibozor tumani

**Янгибозор туманидаги “Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Собирбоев Мамуржон Мусобек ўғлига сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, “Тозоаўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Собирбоев Мамуржон Мусобек ўғлининг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси асосида ўтказилган очиқ танлов якунларига кўра, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,10-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов якунлари бўйича қабул қилинган комиссия қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туманидаги “Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Собирбоев Мамуржон Мусобек ўғлига Оёқдўрман қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 890-,892-,895-,888-,893-,894-,885-,886-контурларда жойлашган умумий ер майдони **31,7** гектар, шундан суғориладиган экин ери **27,6** гектар, ариқ ва зовурлар **3,1** гектар, йўллар **0,4** гектардан иборат ер участкаси сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Янгибозор туманидаги “Тозадўрман” маҳалласида яшовчи фуқаро Собирбоев Мамуржон Мусобек ўғлига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Собирбоев Мамуржон Мусобек ўғли ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер

Сканировано с CamScanner

майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фукаро М.Собирбоевга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- бизнес режада белгиланган экин турларни тўлиқ экиб, ҳосилдорликни ошириб бориш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш;

- худудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорга асосан, туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халк депутатлари туман кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Туман ҳокими.в.в.б** **Ж.Холметов**

Сканировано с CamScanner